

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ҚЎЗИЕВ ЗАФАРЖОН БОЛТАЕВИЧ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХИЗМАТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Кўзиев Зафар Болтаевич

Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти
самарадорлигини ошириш 5

Кузиев Зафар Болтаевич

Повышение эффективности услуг и предпринимательской
деятельности в системе образования 25

Кўзиев Зафар Болтаевич

Improving the efficiency of services and
business in education system 47

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ҚЎЗИЕВ ЗАФАРЖОН БОЛТАЕВИЧ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХИЗМАТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.05 - Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.1.PhD/Iqt23 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sies.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Арабов Нурали Уралович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01. рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ кuni тарқатилди.

(2020 йил “___” _____ даги № ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э.Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.М.Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни «бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради»¹. Шу туфайли хизматлар таркибида таълим соҳасига катта аҳамият бериб келинмоқда. «Ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг асосий қисми хизматлар соҳасига тўғри келади. Масалан, бугунги кунда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши АҚШда 78 % ни, Европа мамлакатларида 70 % дан ортиқни, Хитойда 51,6 % ни ташкил қилади. МДХ давлатларида ҳам бу кўрсаткич юқори. Масалан, Қозоғистонда 54,2 %, Белорусда 48,0% ни ташкил этган.»² ЯИМнинг бир қисми таълим соҳасини ривожлантириш учун йўналтирилмоқда. Жумладан: АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг 6,6 %, Германияда 5,8 %, Россияда 3,6 % ни ташкил қилмоқда. Бундай шароитда таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш натижасида олий таълим муассасалари даромадларини ошириш ҳамда уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришнинг аҳамияти тобора ортиб боради.

Жаҳонда ривожланган мамлакатлар тарихига назар солинса, ўзларининг тараққиёт йўлида биринчи ўринда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилиш асосида унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан олий таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш, таълим хизматларини замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш, рақамли таълимни жорий қилиш, масофали таълимни ривожлантириш, олий таълим дастурларини уларнинг аҳамиятига кўра табақалаштириш, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг рағбатлантириш механизмларини жорий этиш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида ҳам чуқур ўйланган, илмий асосланган, кенг миқёсли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар миқдори ва сифатини янада кўтарган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятининг янги ва инновацион турларини кўпайтириш, уларни диверсификациялаш асосида ислоҳ қилиш, тизимни бюджетдан ташқари молиялаштиришнинг оптимал, янги механизмларини ишга солиш, бу борада ривожланган хориж таълим муассасалари илғор тажрибасига таяниш ҳамда улар билан кенг тармоқли, ўзаро манфаатли интеграцияни йўлга қўйиш, айниқса таълим тизимининг юқори самарадор бўлишига эришиш каби масалалар ҳал этилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий

¹ <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3598-zamonaviy-jamiyatda-xizmatlar-sohasining-o-rni-andaj>

² <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3598-zamonaviy-zhamiyatda-khizmatlar-so-asining-rni-andaj>

мажлисга Мурожаатномасида «Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак. Шу мақсадда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришимиз, ўрта ва олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилашимиз керак»³лиги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли фармони, 2019 йил 11 июльдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли қарори, 2018 йил 3 февральдаги «Инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3507-сонли қарори, 2017 йил 20 апрельдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновационларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2018 йил 21 июльдаги 594-ф-сонли фармойишида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашда, 2018 йил 24 июльдаги «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 571-сонли қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ушбу диссертация доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти асосида бюджетдан ташқари маблағларни топиш масаласи мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Аммо мазкур масала олимлар томонидан кам ўрганилган. Ушбу муаммонинг умумий жиҳатлари билан хорижлик иқтисодчи олимларидан Дж.М.Кейнс, Й.А.Шумпетер, М.Ю.Портер, Е.Калининой, Б.С.Санто, К.Х.Хаксевер, Б.Р.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик, С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова, В.И.Видяпин, А.А.Воронин, Т.П.Афанасьева, В.И.Стражев⁴ кабилар тадқиқотлар олиб боришган.

³ Мирзиёев Ш.М.Олий мажлисга Мурожаатнома. 2020 йил 24 январь. http://www.press-service.uz/uz/news/show/postanovleniya_prezidenta/o_merah_po_ukrepleniye_materialno-tehnic

⁴ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Издательство: Гелиос, 2002. 422 с.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.; Портер М.Ю.

Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2-е изд. – 2008). – 720 с.; Санто Б.С. Инновация как средство экономического развития / Санто Б. С. – Москва : Прогресс, 1990 . – 295 с.; Управление и

Республикамиз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Р.Ш.Ахлетдинов, С.З.Ғулометдинов, Б.Н.Навруз-Зода, Ё.А.Абдуллаев, Б.А.Абдукаримов, А.В.Вахабов, М.Х.Саидов, Ш.Қурбанов, Ш.Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов, М.Қ.Пардаев, М.М.Мухаммедов, М.Э.Пулатов, И.С.Тухлиев, Э.Т.Одилов, Қ.Ж.Мирзаев, К.Б.Уразов, Р.Х.Эргашев, Ж.Р.Зайналов, Н.У.Арабов, Б.Рузметов, Р.Х.У.Умаров, Г.Н.Ахунова, М.В.Ниязова, кабилар⁵ шуғулланиб келмоқдалар. Уларнинг илмий асарларида хизматлар тизимида таълим хизматларининг ўрни, олий ўқув юртларидаги умумий муаммолар ва ушбу тизимда таълим хизматлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини тадқиқ қилишга оид масалаларнинг назарий ва услубий жиҳатлари ёритилган.

Аmmo олий ўқув юртларида таълим хизмати масаласи ва тадбиркорлик фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ ушбу масалалар ҳозирги кунда иқтисодиётни янада модернизациялаштириш ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида ўта муҳим бўлишига қарамасдан, иқтисодий адабиётларда деярли ёритилмаган. Таъкидланганларнинг ҳаммаси таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган муаммолар бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади. Булар ўз навбатида мазкур тадқиқот йўналишларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

организация в сфере услуг: теория и практика: Service Management and Operation – 2-е международ. изд. (пер. с англ под науч. ред. В.В.Кулибановой) / К.Х.Хаксевер, Б.Р.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик. С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова – СПб. и др.: ПИТЕР бух, 2002. – 751 с.; Романович В.К. Сервисная деятельность: учеб. пос.: под общ. ред. В.К.Романович. /– 3-е изд. – СПб.: Питер, 2005. – 156 с., Стражев В.И. Образование и наука в современном обществе. Мн.: БГУ, 2004. 255 с.,⁵ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Издательство: Гелиос, 2002. 422 с.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа в 3 тт. – СПб.: Экономическая школа, 2004.; Портер М.Ю. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: «Альпина Паблишер», 2008 (2-е изд. – 2008). – 720 с.; Санто Б.С. Инновация как средство экономического развития / Санто Б. С. – Москва : Прогресс, 1990 . – 295 с.; Управление и организация в сфере услуг: теория и практика: Service Management and Operation – 2-е международ. изд. (пер. с англ под науч. ред. В.В.Кулибановой) / К.Х.Хаксевер, Б.Р.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик. С.Н.Коробкова, В.И.Кравченко, С.В.Орлов, И.П.Павлова – СПб. и др.: ПИТЕР бух, 2002. – 751 с.; Романович В.К. Сервисная деятельность: учеб. пос.: под общ. ред. В.К.Романович. /– 3-е изд. – СПб.: Питер, 2005. – 156 с., Стражев В.И. Образование и наука в современном обществе. Мн.: БГУ, 2004. 255 с., Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования.-М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с., Саидов М.Х. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Т.:Молия, 2002.-268б. Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования.-Т.: Молия, 2002. –332 с. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография – Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2007., Абдуллаев Ё., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Алиев Б.Р. Статистика. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 256 б., И.С.Тухлиев ва бошқалар “Туризм асослари” дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти, 2014., М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти 2014. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 260 бет., Рузметов Б., ва бошқалар.. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истикболлари //Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. 137–141с., Р.Х.Эргашев Кишлоқ хужалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. ўқув қўлланма. Т.:”Янги аср авлоди”2012., Н.У.Арабов Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари (2-нашр). Ўқув қўлланма. – Т.: “ILM ZIYO”, 2017. – 344 б. Н.У.Арабов Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Fan va technology”, 2017. – 272 б.

боғлиқлиги. Мазкур диссертация **тадқиқоти** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацияни жорий қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолар” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштиришга ва шу хизмат эвазига пул тушумини кўпайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини аниқлаш ҳамда оширишнинг назарий масалаларини тадқиқ қилиш ва мавжуд муаммоларни тизимлаштириш, улар ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти рақобатбардошлигини таъминлашнинг зарурлиги ҳамда ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

олий таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омилларини аниқлаш, уларнинг таснифи ва таъсирини аниқлаш методологик асосларини ишлаб чиқиш;

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишни хизмат ҳамда фаолият турларини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш орқали ҳал қилишни асослаб бериш;

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш учун олий таълим муассасаларида даромадларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш йўллари аниқлаш;

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳамда уларни оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш истиқболларини белгилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, таълим хизматлари ва олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув ҳамда статистика ва иқтисодий таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини бошқариш объектининг рақобатбардошлик омили, таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва даражалари бўйича кўрсаткичлари таснифи ишлаб чиқилган;

фаолиятни ташкил этиш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишнинг операцион бошқариш жараёни демографик, ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар билан боғлиқ ташқи ҳамда кадрлар ва моддий-техник таъминотнинг ички муҳит омиллари таъсирини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилиш асосида олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни алоҳидалаштириш ва узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни вақти-вақти билан индекслаштириш асосланган;

олий таълим тизимида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тушган тушумларни фаолият турлари асосида туркумлаб, соф фойдани аниқлаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти ҳамда улар самарадорлигининг иқтисодий мазмуни назарий жиҳатдан очиқ берилиб, уларнинг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган;

олий таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари такомиллаштириш масалаларига асосланган ва улар фаолиятини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишлари ишлаб чиқилган;

олий таълим тизими ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасидаги алоқаларни миқдорий баҳолаш мақсадида модификацияланган ЕР (education potential) кўрсаткичи ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги статистик боғлиқлик аниқланган;

олий таълим тизимида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тушган тушумлар бўйича маржинал даромадини шакллантириш ҳамда соф фойдани аниқлаш механизми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий маълумотларидан фойдаланилгани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий тавсиялар таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилиш асосида олий таълим дастурларини уларнинг аҳамиятига кўра табақалаштириш, олий таълим муассасаларини молиявий таъминлашни ислоҳ қилиш ҳамда таълим хизматлари ва тадбиркорлик

фаолияти самарадорлигини оширишга оид илмий аппаратни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек «Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти», «Корхоналар иқтисодиёти», «Сервис соҳаси иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-назарий таклифлар ва амалий тавсиялар асосида:

олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини бошқариш объектининг рақобатбардошлик омили, таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва даражалари бўйича кўрсаткичлари таснифи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 апрельдаги 315-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019-2021 йилларга мўлжалланган таълим хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 октябрьдаги 89-04-2173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш олий таълим тизимида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун татбиқ этилаётган кўрсаткичларни тизимлаштириш асосида уларнинг алоҳида йўналишлари бўйича самарадорликни аниқлаш имконини берган;

фаолиятни ташкил этиш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишнинг операцион бошқариш жараёни демографик, ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар билан боғлиқ ташқи ҳамда кадрлар ва моддий-техник таъминотнинг ички муҳит омиллари таъсирини аниқлаш асосида такомиллаштириш таклифи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 апрельдаги 315-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019-2021 йилларга мўлжалланган таълим хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 октябрьдаги 89-04-2173-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш усулларини такомиллаштириш имконини берган;

таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилиш асосида олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларни алоҳидалаштириш, узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни вақти-вақти

билан индекслаштириш тартиби Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 майдаги 414-сон бўйруқ билан тасдиқланган дастурни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 89-04-2173-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари маблағларнинг 3,5-5,0 фоизгача ошириш имконини берган;

олий таълим тизимида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тушган тушумларни фаолият турлари асосида туркумлаб, соф фойдани аниқлаш бўйича таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 6 апрельдаги 315-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2019-2021 йилларга мўлжалланган таълим хизмати ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 89-04-2173-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлардан фойдаланиш республика олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш стратегиялари ва комплекс дастурларининг илмий асосланганлик даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 7 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркиби кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳиятини тавсифловчи илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида «таълим хизматлари», «тадбиркорлик

фаолияти», «олий таълимда тадбиркорлик фаолияти» категорияларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ҳамда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар алоҳида йўналишлар бўйича гуруҳларга ажратилиб таснифланган. Шунингдек, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари ва таълим хизматлари бозори ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда таълим хизматлари ва олий ўқув юртларида тадбиркорлик фаолияти ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари мустақиллик йилларида ўзига хос мазмунга эга бўлди. Аммо ушбу масалалар хизмат кўрсатиш нуқтаи назаридан кам ўрганилган соҳадир.

Ҳозирги пайтда таълим хизматлари ва олий ўқув юртларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали молиялаштиришни яхшилаш масалаларининг у ёки бу жиҳатлари иқтисодий адабиётларда маълум даражада қаралмоқда⁶. Ушбу ёндашувларни таҳлил қилиш асосида «таълим хизматлари», «тадбиркорлик фаолияти», «олий таълимда тадбиркорлик фаолияти» каби тушунчаларни такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

Таълим хизматлари деганда инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли **фаолияти тушунилади**.

Таълим тизимида тадбиркорлик фаолиятига таъриф беришдан олдин, унинг умумий таърифига эътиборни қаратмоқдамиз. Бу борада ҳам етарли даражада фикрлар айтилган. Биз тадқиқотларимизда, М.Қ.Пардаев ва Ж.И.Исроиловларнинг тадбиркорликка берган таърифига асосланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятига қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. **Тадбиркорлик фаолияти деганда**, тадбиркорлар томонидан амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган, мулкий жавобгарлиги асосида жамият эҳтиёжига мос товар (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш орқали маълум даражада фойда олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади⁷. Ушбу таърифнинг мазмуни таълим тизимида тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг ҳам таърифини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Олий таълимда тадбиркорлик фаолияти деганда, олий таълим муассаси томонидан амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан таваккал қилиб иш кўрадиган, ўзининг мулкий жавобгарлиги асосида жамият, давлат ва аҳоли эҳтиёжларига мос билимларни оширишга

⁶ Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования.-М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с., Саидов М.Х. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Т.:Молия, 2002.-268б. Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования.-Т.: Молия, 2002. –332 с.

⁷ Мазкур таърифнинг асосий мазмуни М.Қ.Пардаев ва Ж.И.Исроиловларнинг монографисида келтирилган. Қаранг: Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И.Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. – т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2007. – 44 б.

қаратилган ва маълум даражада фойда олишни таъминлайдиган фаолият тушунилади.

Таълим тизимининг бюджетдан ташқари фаолияти деганда, бюджет маблағларига боғлиқ бўлмайдиган маблағларни ишлатиш асосида таълимни ривожлантиришга қаратилган фаолиятдир. Шу асосда бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаси тушунчасининг ҳам таърифи ишлаб чиқилди.

Бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаси деганда, давлат бюджет маблағларига кирмайдиган таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида топиладиган қўшимча молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар манбаи тушунилади. Таълим тизимида қўшимча хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти бюджетдан ташқари фаолиятининг асоси бўлиб ҳисобланади ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Олий ўқув юртларининг рақобатбардошлиги деганда, унинг бошқа рақобатчилардан молиявий-иқтисодий, моддий-техник, кадрлар салоҳияти ва бошқа кўрсаткичлари бўйича устунлиги, шунингдек, уларнинг зарарсиз фаолият олиб бора олиши ва ташқи муҳит ўзгаришларига тез мослаша олиши ва уларга чидамлик даражасини акс эттирувчи комплекс тадбирлар мажмуасига эгаллиги тушунилади.

Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигининг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилди. Хусусан, улар қуйидагиларда ўз аксини топиши асосланди.

Биринчидан, таълим хизматлари бозорида жуда кўп миқдорда олий таълим муассасалари мавжудлиги. Бу ҳолат рақобат муҳитини яратади ва шу орқали юқори самарадорликка эришиш заруратини келтириб чиқаради.

Иккинчидан, олий ўқув юртлари маҳсулотларининг баҳоси бозор тамойилларига асосланган ҳолда шаклланмаган ва мос равишда маҳсулотлар баҳоси ҳам инобатга олинмайди. Бу эса олий таълим тизимида ҳақиқий самарадорликни баҳолаш имконини бермайди.

Учинчидан, олий ўқув юртлари ўзларининг таълим хизматлари ва маҳсулотларини сотишда бозордаги умумий хизмат ва маҳсулотларга бўлган талабнинг, қайсидир маънода, кичик миқдорини қондиришга эришиб келмоқда. Аммо уларга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишдан манфаатдор бўлган катта миқдордаги истеъмолчиларнинг талабларини бажариш масаласида ўзаро муносабатлар ҳали шаклланган эмас.

Тўртинчидан, олий ўқув юртлари таълим хизматлари ва маҳсулотлари бозорида ўзларининг истеъмолчиларини, уларнинг жойлашган жойини, сони ва хоҳиш-истаклари ҳамда талабларини аниқ англаб олишмаганлиги ҳам самарадорликни ошириш ва баҳолашда бир мунча қийинчиликлар туғдиради.


Бешинчидан, республика олий таълим хизматлари таркибига кундузги таълим шаклидан фарқли ўлароқ инновацион, яъни масофавий таълим олиш шаклини киритиш лозимлиги, уни амалга ошириш зарурлиги, унинг хусусиятлари, устунлик ва камчилик томонлари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Олтинчидан, халқаро амалиётда тан олинган таълим тизимида корпоратив бошқарувни жорий қилиш, унда ўқитувчилар билан талабаларни таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш лозим.

Ишда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятининг таркиби тизимлаштирилган ва такомиллаштирилган (1-расм).

Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизimini ишлаб чиқиш натижасида бир тизимга келтирилади. Уларни баҳолаш ва таснифлашда тизимли ёндошувни талаб қилади. Тизимли ёндашувнинг асосий вазифаси тизимнинг мураккаблигини аниқлаш ва кўрсатиб бериш, шунингдек қўшимча амалга ошириладиган алоқалар, келгусида тизимни бошқаришда учрайдиган муаммоларни маълум даражада бошқаришда мустақилликни сақлаган ҳолда самарадорликни ошириш йўллари асослаш ҳисобланади.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, олий ўқув юртларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш,



1-расм. «Таълим тизимида хизматлар ва тадбиркорлик фаолияти таркиби

уларнинг рақобат устунлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳим жиҳатлардан бирига айланмоқда. Олий ўқув юртининг ички имкониятларини самарали бошқариш учун таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Олий ўқув юрти олдида рақобатбардош, юқори сифат талабларига жавоб берадиган, давлат ва бозор тамойиллари ҳукм суриб турган шароитда таълим хизматларини кўрсатиш масаласи ўта жиддий масалалар сирасига киради. Таълим тизими янги шароитга ўтаётган паллада баҳолашнинг амалдаги мавжуд усуллари ҳам замонавийлашмоғи лозим.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди. Ушбу кўрсаткичларни таълим хизматлари бўйича алоҳида ва тадбиркорлик фаолияти бўйича ҳам алоҳида ифодалаш лозим деган хулосага келинди. Буларнинг номлари ва аниқланиш йўллари қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Т/р	Кўрсаткичлар-нинг номи	Аниқланиш йўллари	Мазмуни
Таълим хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.	Таълим хизматлари рентабеллиги (Тхр)	$T_{xp} = \frac{T_{xf} * 100}{T_{xx}}$ Бунда Тхф-таълим хизматларидан олинган фойда; Тхх-таълим хизматларига қилинган харажатлар	100 сўм таълим хизматларига кетган харажатларга қанча фойда тўғри келишини
2.	Таълим хизматларини кўрсатувчи ходимлар меҳнати самарадорлиги (Тмс)	$T_{ms} = \frac{T_{xt}}{T_{xbx}}$ Бунда Тхт-таълим хизматларидан олинган тушум; Тхбх-таълим хизматлари билан банд бўлган ходимлар	Таълим хизматларини кўрсатувчи бир нафар ходимга тўғри келадиган тушумни
3.	Таълим хизматлари ҳажмининг профессор-ўқитувчилар умумий сонига нисбати (Тхпў)	$T_{xp\ddot{u}} = \frac{T_{xt}}{T_{xbx}}$ Бунда Тхт-таълим хизматларидан олинган тушум; Тбпў-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар	Таълим хизматлари ҳажмининг бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган миқдорини

		СОНИ	
4.	Таълим хизматини кўрсатувчи ходимларнинг профессор-ўқитувчиларни камраб олиш даражаси (Тхқд)	$Тхқд = \frac{Тхбх * 100}{Тхпў}$ <p>Бунда: Тхбх-таълим хизматларида банд бўлган ходимлар сони; Тхпў-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони</p>	Умумий профессор-ўқитувчиларнинг неча фоизи таълим хизматини кўрсатувчи ходимларни ташкил қилишини
Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар			
1.	Таълим соҳасида тадбиркорлик фаолияти рентабеллиги (Тфр)	$Тфр = \frac{Таф * 100}{Тфх}$ <p>Бунда Таф-тадбиркорликдан олинган фойда; Тфх-тадбиркорликка қилинган харажатлар</p>	100 сўм тадбиркорлик фаолиятига кетган харажатларга қанча фойда тўғри келишини
2.	Таълим соҳасида банд бўлган ходимлар мехнати самарадорлиги (Тфхс)	$Тфхс = \frac{Тхт}{Тхбх}$ <p>Бунда Тхт-тадбиркорликдан олинган тушум; Тхбх-таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони</p>	Таълим соҳасида банд бўлган бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган тадбиркорликдан олинадиган тушум
3.	Тадбиркорлик билан шуғулланувчи ходимларнинг профессор-ўқитувчиларни камраб олиш даражаси (Тфқд)	$Тфқд = \frac{Тфбх * 100}{Тхбх}$ <p>Бунда Тфбх-тадбиркорликда банд бўлган ходимлар сони; Тхбх -таълимда банд бўлган умумий профессор-ўқитувчилар сони</p>	Умумий профессор-ўқитувчиларнинг неча фоизи тадбиркорлик билан шуғулланувчи ходимларни ташкил қилишини

$$\Delta T_{xпў} t_{xкд} = (T_{xр} x * T_{xхт} x * T_{xкд} x) - (T_{xр} x * T_{xхт} x * T_{xкд} p);$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий ўзгаришига тенг бўлади:


$$\Delta T_{xпў} = \Delta T_{xпў} t_{xр} \pm \Delta T_{xпў} t_{xхт} \pm \Delta T_{xпў} t_{xкд};$$

Ишда ушбу омилларнинг таҳлил қилинаётган кўрсаткичга таъсири амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқланди ва ички имкониятларни ишга солиш юзасидан тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида «**Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари**» тадқиқ этилган. Ушбу бобда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий омиллари ва улар таснифининг методологик асослари, олий таълим муассасаларида таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти бўйича амалдаги ҳолатининг таҳлили, таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини оширишда рағбатлантириш ҳолати ўрганилган.

Таълим муассасалари, шу жумладан олий ўқув юртлари ижтимоий-иқтисодий тизимнинг бошқа субъектларига қараганда ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, ушбу соҳа мутахассисларнинг бир нечта авлодини шакллантиради ва булар ўзларининг келажак фаолиятлари давомида ушбу даргоҳда олган билимларини намоён қилади. Иккинчидан, таълим тизими бошқа соҳалардан фарқли равишда мамлакатда ҳукм сураётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муҳитга боғлиқ бўлади. Учинчидан, олий таълим тизимида “ишлаб чиқариладиган маҳсулот” инсон капиталида намоён бўлади.

Олий таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилишнинг демографик, ижтимоий ва иқтисодий вазиятлар билан боғлиқ ташқи муҳит омиллари ҳамда кадрлар ва моддий-техник таъминот бўйича ички муҳит омиллари таъсирида шаклланадиган олий таълим тизимини операцион бошқариш жараёни такомиллаштирилган (2-расм).



2-расм. Олий ўқув юрти фаолият юритишининг операцион бошқариш чизмаси⁸

Таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларга таъсир қилувчи омиллар тизими ишлаб чиқилди. Таълим тизимида рақобатбардошликни баҳолаш алгоритми, унга таъсир қилувчи омиллар тавсия қилинди. Улар икки гуруҳга (ички ва ташқи омилларга) бўлиб тизимлаштирилди. Барча омиллар таълим муассасаларида даромадларни кўпайтириб, соҳанинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали аниқлаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибида таълимнинг улуши⁹

№	Кўрсаткичлар номи	Харажатлар, йиллар кесимида (млрд. сўм)						
		2011	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Таълим	4464,1	5582,9	7 130,40	8803,3	10673,5	12 162,2	13831,7

⁸ Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси. Бунда қуйидаги шартли белгилардан фойдаланилди: T_k - аҳолининг тўлов қобилияти; A_c - олий ўқув юртига кириш истагида бўлган абитуриентлар сони; D_6 - мутахассислар тайёрлашнинг давлат буюртмаси; $K_{м.т.б}$ - таълим муассасасининг моддий-техник базаси; $K_{т.к.б}$ - талабалар контингентини шакллантириш коэффициентлари; $K_{о.т.д}$ - талабаларнинг олий ўқув юртигача тайёргарлиги даражаси коэффициенти, $K_{т.с}$ - таълим сифати даражасини акс эттирувчи коэффициент; T_x - таълим жараёнини ташкил этиш харажатлари.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2.	Соғлиқни сақлаш	1716,5	2226,7	3 024,90	3709,9	4507,2	5 218,5	5 811,6
3.	Маданият ва спорт	154,5	185,3	223,4	287,4	361,5	387,5	460,6
4.	Фан	81,3	108,8	137,4	164,7	187	216,7	238,2
5.	Ижтимоий таъминот	58,2	72,2	86,9	106,4	126,2	147,5	161,1
6.	Ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва компенсация пул тўловлари	1312,5	1378,4	1617,20	1611,3	1805	2 102,6	2 043,2
7.	Жами ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	7787,1	9554,3	12220,20	14683	17660,4	20 235,0	22546,4
8.	Давлат бюджети харажатлари жами	13386,9	16726	20882	25825,9	31425,4	36 257,3	40911,3
9.	Давлат бюджети харажатлари таркибида таълимнинг улуши (%да)	33,3	33,3	34,1	34,1	33,9	33,5	33,8

Мазкур жадвалдан кўринадики, 2018 йил якунига кўра, 2011 йилга нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш тенденцияси кузатилган. Жумладан, Давлат бюджети харажатлари таркибида таълимнинг улуши 33,3 %дан 2018 йилда 33, 8 фоизга ошган. 2014 ва 2015 йилларда харажатлар суммаси 34,1 %ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Бюджет харажатлари таркибида жами ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари 2011 йилда 7787,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 22546,4 млрд.сўмдан иборат бўлганлигидан, таълимга қилинган харажатлар салмоқли эканлигини англаш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари даромадларининг турлари қуйидаги маълумотларда келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари даромадларининг турлари бўйича 2015-2018 йиллардаги таркибий тузилиши¹⁰ (млрд. сўм ҳисобида)

№	Даромад манбалари кўрсаткичлари	Йиллар							
		2015		2016		2017		2018	
		миқ-дори	сал-моғи, %да	миқ-дори	сал-моғи, %да	миқ-дори	сал-моғи, %да	миқ-дори	сал-моғи, %да
	Жами, шу жумладан:	137,4	100,0	218,4	100,0	309,0	100,0	407,8	100
1.	Давлат бюджетидан тушум	56,1	40,8	86,6	39,7	117,2	37,9	124,3	30,5
2.	Контракт тўловлари тушуми	74,6	54,3	123,1	56,4	174,5	56,5	264,6	64,9
3.	Бошқа даромадлар, шу жумладан:	6,8	4,9	8,7	4,0	17,3	5,6	18,9	4,6

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (вазирлик тасарруфидаги 33 та олий ўқув юрти) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

3.1.	Таълим хизматларидан	2,2	1,6	2,9	1,3	3,5	1,1	4,0	1,0
3.2.	Тадбиркорлик фаолиятидан	3,3	2,4	4,3	2,0	12,1	3,9	12,9	3,2
3.3.	Ҳомийлик ҳисобидан	1,3	0,9	1,5	0,7	1,7	0,6	2,0	0,5

Ушбу маълумотлардан кўриш мумкинки, мамлакатимиз олий таълим муассасалари даромадлари умумий ҳажми ва уларнинг ҳар бир тури бўйича ўсишга эришилган. Шу даврда жами тушум (даромад) миқдорининг ўсиш суръати 186,7 %ни (407,8*100:218,4) ташкил қилган. Шу 3 йил ичида Давлат бюджетидан тушум 143,5% (124,3*100:86,6), контракт тўловлари тушуми 218,6% (264,6*100:123,1), бошқа даромадлар эса, 217,2 %га (18,9*100:8,7) ошган ва бу бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган. Бунинг таркибида таълим хизматларининг ҳажми 137,9 %га (4,0*100:2,9), тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар 300,0 %га (12,9*100:4,3) ва ҳомийлик маблағларининг ўсиш суръати 133,3 %ни (2,0*100:1,5) ташкил қилган. Агар уларнинг таркибий тузилишидаги ўзгаришларга қарайдиган бўлсак, таълим хизматларининг улуши 2015 йилдаги 1,3 %дан, 2018 йилда 1,0 %гача камайган. Тадбиркорлик фаолиятининг улуши эса, шу даврда 2,0 %дан 3,2 %гача ошган. Ҳомийлик ҳисобидан тушум ҳам 0,7 %дан 0,5 %гача камайган.

Қайси йўналишга қай тарзда қараш лозимлигини аниқлаш учун ишда таълим хизматлари ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари бўйича олинган даромадларини таҳлил қилишга тўғри келди (4-жадвал).

